Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

• 2014-yil, 9-yanvar. Payshanba • 4 (31.751) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

**ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР**

***Тадбир сўнгида Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилди, фуқаролар томонидан кўтарилган ижтимоий масалаларни ҳал этиш юзасидан депутатлар тегишли чора-тадбирларни белгилаб олди.***

# Сиёсий партиялар фаоллиги кучайиши

## юрт тараққиётига хизмат қилади

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан Паркент туманида давлатимиз раҳбарининг Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси мазмун-моҳиятини ўрганиш ва кенг тарғиб этишга бағишланган амалий семинар ўтказилди. Семинарда Соғлом бола йилида партия ташкилотлари фаолиятининг муҳим йўналишлари, сиёсий партияларнинг демократик жараёнларни чуқурлаштиришдаги таъсир кучини ошириш вазифалари ҳақида ҳам сўз юритилди. Унда партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, партия фаоллари иштирок этди.

► *Давоми 2-бетда.*



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

**ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти**

# ЁШ ЕТАКЧИЛАР

## сиёсатчи сифатида ҳозирдан шаклланиб бориши зарур

Эртанги куннинг депутатлари, партия ташкилотлари етакчилари, сиёсатчилар, табиийки, бугунги ёшлар орасидан етишиб чиқади. Келгусида партия қай даражада фаол ишлаши, депутатлик корпусининг салоҳияти улар бугун қандай шаклланиб боришига боғлиқ. Шунинг учун ҳам ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти сафидаги етакчилар, фаолларнинг сиёсий маданияти, касбий салоҳиятини оширишга муҳим вазифа деб қаралмоқда.

ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят минтақавий бўлинмаси билан ҳамкорликда ташкил этган семинар-тренинг ҳам ана шу масалага бағишланди. Унда партия масъул ходимлари ҳамда ёшлар қаноти етакчиларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, партия дастурий мақсад ва вазифалари тарғиботида сиёсий технологиялардан самарали фойдаланиш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашди.

Семинарда сўзга чиққанлар «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари ҳамкор ташкилотлар ёрдамида тенгдошларини ўйлантириб келаётган муаммоларни атрофлича ўрганиши, мазкур масалаларга халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг эътиборини қаратиши, масалалар ечими бўйича таклифларини билдириб бориши лозимлигига тўхталиб ўтишди.

Бахтиёр Хўжаев мактабда Миллий ғоя фанидан сабоқ беради, айни пайтда ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Қўқон шаҳар бўлими фаоли ҳамдир.

— Бундай семинарларнинг ташкил этилаётгани, унда мавзулар эркин муҳокама қилинаётгани биз учун жуда фойдали, — дейди у. — Шу орқали бир мавзу атрофида турли фикр-мулоҳазалар туғилади, бирор бир масалани ҳал этиш юзасидан муқобил таклиф айтиш кўникмаси шаклланади. Бундан ташқари, баҳс-мунозара асосида ўтган тадбирда ҳамма бўлишга ҳаракат қилади. Шу тариқа орттирилган тажриба фаолиятимизни кучайтиришга олиб келади.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**2014 йил — Соғлом бола йили**

# Репродуктив саломатлик

***болалар ва ўсмирлар баркамол бўлиб вояга етишининг муҳим кафолати***

Мамлакатимизда болалар ва ўсмирларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш бу — давлат сиёсати даражасида энг кўп эътибор қаратилаётган масалалардан биридир. Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизими ривожланиб, ҳар бир вилоят ва йирик шаҳарларда перинатал ва скрининг марказлари ташкил этилди.



*«Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида» ҳамда «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши микронутриент, йод етишмаслиги натижасида келиб чиқадиган хасталикларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этаяпти. Умуман олганда, соғлом болани вояга етказиш, аҳоли, хусусан, болалар ва ўсмирларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.*

► *Давоми 2-бетда.*

# Кучли партия

**кучли бошланғич ташкилотдан бошланади**

Бугун мамлакатимизда юз бераётган ижобий ўзгаришлар, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятининг юксалиб бораётгани изчиллик билан амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар натижасидир. Буни ҳар биримиз кундалик ҳаётимиз мисолида кўриб турибмиз.

► *Давоми 2-бетда.*

# Ўзбекистон автомобиллари барчага манзур

«GM-Uzbekiston» ёпиқ акциядорлик жамиятида ўтган йили жаҳон андозаларига мос жами 246 минг 641 та автомобиль ишлаб чиқарилди.

Маҳсулотнинг 157 минг 751 таси ўзимизда қолдирилди. 90 минг 795 таси эса экспорт қилинди. Россия Федерацияси, Украина, Қозоғистон, Озарбайжон, Арманистон давлатларида ҳам Ўзбекистон автомобилларининг харидорлари кўпаймоқда. «Нексия», «Матиз», «Ласетти»лар қаторида «Кобальт» ҳам тезда хорижликлар эътиборини қозонди.

Жорий йилда «GM-Uzbekiston»да технологик модернизация тадбирлари янада жадал давом эттирилади. Чунончи «Chevrolet» русумидаги «Chevrolet Orlando» автомобили ишлаб чиқарилиши режалаштирилган. 7 кишига мўлжалланган янги русумдаги бу автомобиль ҳам тезда харидорларини топиши шубҳасиз.

**Аҳмаджон СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Ижтимоий муҳофаза**

# Пенсия жамғармасининг янги биноси

Олтинсой туманида пенсия жамғармасининг янги биноси иш бошлади. Икки қаватли кўркам иншоотнинг умумий лойиҳа қиймати 719 миллион сўмни ташкил этади. Бунёдкорлик ишлари Термиз шаҳридаги «Термизагротаъминот» масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилди.

— Айни кунларда жамоамиз 12 минг нафардан ортиқ кишига хизмат кўрсатиб келмоқда, — дейди туман бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси раҳбари Фахриддин Файзиев. — Янги иншоотнинг иш бошлагани халқимиз учун айни муддао бўлди. Ўзгача чирой ва фусункорлик бахш этган масканда 15 та шинам ва ёруғ хона бор. Замонавий компьютер ҳамда зарур техникалар ўрнатилган. Бу эса аҳолига хизмат кўрсатиш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Ҳарбийларнинг

## чароғон ва файзли уйлари

**Мустақиллик йилларида Қуролли Кучларимиз тизимида ҳам изчил ислоҳотлар олиб борилди. Ҳарбий хизматчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шу боис бугунги кунга келиб, ёшларимиз орасида ҳарбий касбни эгаллаётганлар, Ватан ҳимоячиси бўлишга интилаётганлар кўпчиликни ташкил этади.**

4

**«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг**

**Сайловолди дастури ижроси таҳлил этилди**

ҳамда навбатдаги долзарб вазифалар белгилаб олинди



**www.uzbekistonovozi.uz**

**ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ**

***2 миллиард 98 миллион долларга тенг бўлган 555 лойиҳа амалга ошгач, 13 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилади***

# Қашқадарёнинг саноат салоҳияти



**«Қашқадарё вилоятининг тараққиёт суръатларини тезлаштириш, бугунги кунда ривож топаётган тармоқлар билан бирга, замонавий технологиялар билан қуролланган, қўшимча қийматга эга бўлган, дунё бозоридаги талабга жавоб берадиган тайёр маҳсулотлар чиқарадиган лойиҳаларни амалга ошириш зарур.**

**Қисқача айтганда, вилоятда орқада қолаётган енгил, озиқ-овқат, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, информация ва коммуникация соҳаларининг йўлини очиб бериш, шу билан бирга, қурилиш ишлари соҳасига янги куч-қувват бериш масалалари бугун эътиборимиз марказида туриши керак».**

*Президентимизнинг халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан.*

3

**Келгуси сонларда:**

Бугун ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар партия кенгаши билан ҳамкорлигида Шайхонтоҳур туманида «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» мавзусида давра суҳбати ўтказилади.

***Унинг тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сонларидан бирида танишишингиз мумкин.***

**ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР**

*Тадбир сўнгида Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилди, фуқаролар томонидан кўтарилган ижтимоий масалаларни ҳал этиш юзасидан депутатлар тегишли чора-тадбирларни белгилаб олди.*

# Сиёсий партиялар фаоллиги кучайиши

## юрт тараққиётига хизмат қилади



**Шарбат АБДУЛЛАЕВА,**
**ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:**



— Ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг иштирокини кенгайтириш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Партиямиз Дастурида боқувчисини йўқотган, моддий ёрдамга эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини ошириш, оналаримиз, опа-сингилларимиз соғлигини мустаҳкамлаш, уларни иш билан таъминлаш, ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоялаш бўйича қатор масалалар белгиланган. Соғлом бола йилида бу борадаги ишларимизни кучайтириш, янги ғоя ва ташаббусларни илгари суриш, турли лойиҳаларни амалга оширишда партиянинг барча ташкилотлари ҳамда депутатлари фаол иштирок этиши талаб этилади.

**Шухрат ТУРСУНБОЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:**



– Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичларида депутатлар, сиёсий партиялар фракцияларининг роли кучайтирилди. Бугунги кунда фракцияларнинг фикр ва таклифларини ҳисобга олмасдан туриб, биронта ҳужжат қабул қилинмайди. Бу сиёсий партияларга ўз дастурий мақсадларини қонунларда ифодалашга эришиш учун реал имконият яратиб бермоқда.

Президентимиз маърузасида таъкидланганидек, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш бугунги куннинг, демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим талабидир.

Бунинг учун партиянинг Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясидан тортиб ҳар бир аъзо, фаоллар ва бошланғич ташкилотларгача ўз вазифасига сидқидилдан ёндашиши зарур.

◀ Давоми. Боши 1-бетда.

**Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА,**
**Тошкент вилояти педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти проректори, ЎзХДП аъзоси:**



— Ватанимиз мустақил тараққиёт йўлида дунёнинг ҳавасини келтирадиган ютуқ ва марраларга эришмоқда. Юртимиздаги тинч ва осуда ҳаёт, одамлар ўртасидаги тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар бунга асос бўлаётганини юракдан ҳис қилиб турибмиз. Аёлларни эъзозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, фарзандларни жондан азиз билиш халқимизга хос қадрият ҳисобланади. Биз аёлни том маънода миллат тарбиячиси, деб биламиз. Шу боис соғлом авлодни тарбиялашда аёлларга барча шарт-шароитни яратиб беришга давлатимиз тобора катта эътибор қаратмоқда. Биргина ортда қолган 2013 йилда туғуруқ ёшидаги 7 миллион аёл ҳамда 7 миллион 300 минг нафар бола тиббий кўрикдан ўтказилгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Соғлом бола йилида бу борадаги ишлар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилади. Партия ташкилотлари бу жараёнда муносиб иштирок этиши учун жойлардаги ҳолатни таҳлил этиб, соғлом бола туғилиши ҳамда ривожланиши билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш бўйича ўз нуқтаи назари, таклифларини илгари суриши зарур, деб ҳисоблайман.

**Покиза ИНОҒОМОВА,**
**халқ депутатлари Паркент туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси:**



— Бугун мамлакатимиз жуда тез суръатлар билан ривожланиб, тобора обод ва фаровон бўлиб бораяпти. Буни биргина бизнинг туманимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар, таълим масканлари, спорт иншоотлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари — буларнинг барчаси ҳаётимиз даражасини янада юқори босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлаяпти.

Президентимиз маърузасида сиёсий партиялар фаолияти ва масъулиятини кучайтириш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Бу бежиз эмас. Чунки мамлакатни ислоҳ қилиш, стратегик мақсадларга эришишда сиёсий партияларнинг фаоллиги ва ташаббускорлиги кучайиши, ўз позициясига эга бўлиши ҳамда уни қатъият билан ҳимоя қилиши ислоҳотларнинг самарали амалга оширилиши, юрт тараққиётига хизмат қилади.

***

*Тадбирда шунингдек, партиянинг дастурий мақсадларини амалга оширишда депутатлар ваколатларидан унумли фойдаланиш, ижтимоий соҳаларга ажратилаётган бюджет маблағлари мақсадли сарфланиши устидан назоратни кучайтириш масалалари юзасидан таклифлар билдирилди.*

*Тадбир сўнгида кўчма Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилди ва 20 нафарга яқин фуқаро мурожаати тингланди. Улар томонидан кўтарилган ижтимоий масалаларни ҳал этиш юзасидан депутатлар тегишли чора-тадбирларни белгилаб олди.*

**Басандабону ЖАЛИЛОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**МУНОСАБАТ**

*Жамиятда тиббий маданиятни юксалтирмай туриб, кўзланган мақсадга эришиш қийин.*

# Болалар соғлиги учун

## ҳар биримиз масъулмиз

Фарзанд саломатлиги оиланинг бахти, бебаҳо бойлигидир. Биз сулоламиз давомийлигини ҳам уларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишида кўрамиз. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, болалар соғлигини асраш давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланди. Бунинг исботини биргина Урганч шаҳри мисолида ҳам кўриш мумкин. Шаҳар тиббиёт бирлашмасидаги муассасалар 14 ёшгача бўлган 40 минг нафардан ортиқ болага тиббий хизмат кўрсатади. Шаҳримиздаги 34 та мактаб, 3 та мактаб-интернат, 1 та Меҳрибонлик уйи ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказилади. Уларни даволаш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, эмлаш, она сути билан боқишни тарғиб қилиш, турли касалликлардан асраб-авайлаш муҳим вазифамиз ҳисобланади.

Ҳар бир ота-она фарзанди соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишини чин дилдан истайди, албатта. Шу боис ҳам жорий йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши барчамизни бирдек қувонтирди. Айни чоғда катта масъулият юкланганини ҳам чуқур ҳис этиб турибмиз.

Хусусан, биз шифокорлар жуда яхши биламиз, соғлом болани дунёга келтириш кўп масалаларга боғлиқ. Улардан энг муҳими аҳоли тиббий маданияти даражасидир. Бу борада қилинадиган ишлар оз эмас. Жамиятда тиббий маданиятни юксалтирмай туриб, кўзланган мақсадга эришиш қийин. Бунинг учун маҳаллаларда она ва бола саломатлиги билан боғлиқ мавзуларда тарғибот ишларини кучайтиришимиз лозим. Биринчи навбатда яқин қариндошлар ўртасидаги ҳамда эрта никоҳнинг салбий оқибатларини одамларга ҳаётий мисоллар орқали чуқур тушунтириш масалалари эътиборимизда бўлиши зарур. Бундан ташқари, соғлом болани вояга етказиш билан боғлиқ масалаларни, аввало, депутатлик гуруҳининг ўзида чуқур муҳокама этиб, доимий комиссиялар, сессиялар кун тартибига олиб кириш партиямиз дастурий мақсадларини амалга оширишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Биз партиямиз маҳаллий кенгашлари билан ҳамкорликда таълим муассасалари ва Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари устидан назоратни изчил олиб боришимиз керак, деб ўйлайман.

Умуман, болалар саломатлигига алоқадор ишларда депутатлик гуруҳлари, партия ташкилотлари тегишли ҳамкорлар билан биргаликда ҳаракат қилса, соғлом болаларни тарбиялаш йўлидаги эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

**Муборак САТТОРОВА,**
**Урганч шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош педиатри, халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши депутати, ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси.**

**2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ**

*131027 нафар туғиш ёшидаги аёл ва 92313 нафар ўсмир ва бола тиббий кўрикдан ўтказилган.*

# Репродуктив саломатлик

## болалар ва ўсмирлар баркамол бўлиб вояга етишининг муҳим кафолати

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий марказида ўтказилган давра суҳбатида мазкур соҳани янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Депутатлар, Вазирлар Маҳкамаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти масъул ходимлари ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги олий таълим ҳамда илмий муассасалар олимлари болалар ва ўсмирларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар, бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш масалалари тўғрисида сўз юритди.

Қайд этилдики, юртимиз аҳолисининг катта қисмини болалар ва ўсмирлар ташкил этади. Уларга кўрсатилаётган тиббий хизмат тегишли қонун ва қарорлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган ва тобора такомиллаштириб борилмоқда. Президентимизнинг «2009-2013 йилларда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, бу борадаги ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича аниқ мақсадли йўналишларни белгилаб берди.

◀ Давоми. Боши 1-бетда.

Мазкур дастурлар асосида «Фертил ёшдаги аёлларни, болаларни ва ўсмир қизларни соғломлаштириш ҳафталиги» ташкил этилмоқда. Унинг доирасида республикамизнинг олис ҳудудлари, чекка қишлоқларидаги фертил ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларгача чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

Масалан, ўтган йилнинг 11 ойи давомида республика бўйича 11 марта ҳафталик ўтказилиб, 793 нафар юқори малакали мутахассис томонидан 131027 нафар туғиш ёшидаги аёл ва 92313 нафар ўсмир ва бола тиббий кўрикдан ўтказилган. Энг муҳими, мазкур чора-тадбирлар оналар ва болалар саломатлигини асраш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда вилоят ва шаҳар Марказий шифохоналарида болалар гинекологияси ва эндокринологияси бўлимлари фаолият юритаяпти. Бундай бўлимлар Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Хоразм ва Сурхондарё вилоятлари, Тошкент, Самарқанд ва Андижон шаҳарларида ташкил этилган бўлса, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё, Бухоро, Тошкент ва Фарғона вилоятларида бу ишлар йўлга қўйилмоқда. Давра суҳбати иштирокчиларининг фикрича, экологик номақбул олис ҳудудларда ҳам болалар гинекологияси ва эндокринологияси бўлимларини ташкил этиш, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш, тиббиёт ходимларининг касбий маҳорат ва билимини ошириш масаласига эътиборни кучайтириш лозим.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

— Партиямиз Сайловолди дастурида оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини оширишга доир чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш бўйича муҳим вазифалар белгиланган, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Комил Очилов.** — Шундан келиб чиқиб, жойларда аҳоли, хусусан, болалар ва ўсмирларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишларни ўрганишда фракциямиз аъзолари ҳам фаол иштирок этди. Ўрганиш жараёнида мазкур йўналишда қатор камчиликлар ҳам кузатилди. Масалан, болалар ва ўсмирларнинг гинекологик касалланиши бўйича умумий йўриқнома ва ҳужжатлар, шунингдек, касалланиш бўйича аниқ кўрсаткичлар мавжуд эмас. Бундай камчиликларни бартараф этиш учун соғлиқни сақлаш ташкилотлари масъулиятни кучайтириши, болалар ва ўсмир қизларнинг гинекологик ва бошқа касалланиш кўрсаткичларини аниқлаш методикасини яратиш бўйича умумий норматив ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш, болалар ва ўсмирлар репродуктив саломатлик хизматини такомиллаштириш, соҳадаги мавжуд муассасаларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Давра суҳбати якунида муҳокама этилган масалалар умумлаштирилган ҳолда «Соғлом бола йили» муносабати билан қабул қилинадиган давлат дастурига амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Лазиза ШЕРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**ЎзХДП: БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ**

*Айни пайтда бу ерда ЎзХДПнинг 500 нафардан ортиқ аъзоси бор.*

# Кучли партия

## кучли бошланғич ташкилотдан бошланади

Айтиш керакки, мазкур жараённинг янада самарали кечиши фуқароларнинг мустақил позицияси шаклланиши, дахлдорлик туйғусининг кучайишига бевосита боғлиқ. Бунинг учун эса сиёсий партия аъзолари, электорати ўртасида кўпроқ ишлаши талаб этади. Партия тизимида мазкур ишларни самарали олиб бориш эса асосан бошланғич ташкилотлар зиммасига тушади, деб ҳисоблайман.

«Сирдарё» иссиқлик электр станцияси очиқ акциядорлик жамиятидаги партиямиз бошланғич ташкилоти аъзолар орасида ўтказилаётган тадбирларда бу масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда бу ерда ЎзХДПнинг 500 нафардан ортиқ аъзоси бор. Бу катта куч, албатта. Бошланғич ташкилотнинг ҳар ҳафтада бўлиб ўтадиган йиғилишида мамлакатимизда ва хорижда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар муҳокама қилинади. Бундан ташқари, ҳар бир йиғилишда партиямиз дастурий мақсадлари, электорат манфаатлари билан боғлиқ бирон масала чуқур ўрганилаяпти.

Яқинда Президентимизнинг Конституция кунига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини, унда сиёсий партиялар фаолияти юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни маҳаллий Кенгаш депутатлари, партиямиз фаоллари иштирокида ўргандик. Бошланғич партия ташкилоти сифатида бизнинг олдимизда турган вазифалар хусусида фикр алмашдик.

Президентимиз мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда сиёсий партияларнинг иштирокини кенгайтириш масаласини илгари сурди. Партиянинг бирор-бир масала бўйича позициясини, муносабатини, муқобил таклифларини шакллантиришда бошланғич ташкилотлар ҳал қилувчи роль ўйнаши керак. Ҳар бир масала, аввало, бошланғич ташкилотда муҳокама этилиб, кейин босқичма-босқич Марказий Кенгашгача, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямизгача етиб бориш тизимини такомиллаштириш зарур.

Сир эмас, баъзи жойларда бошланғич ташкилотларга етарли эътибор қаратилмаётган ҳолатларни кўриш мумкин. Менимча, ҳар бир бошланғич ташкилот етакчиси кучли партия — кучли бошланғич ташкилотдан бошланади, деган тушунчани ўзига яхши тасаввур қилиб олиши, шунга яраша фаол бўлиши керак.

**Саидбой ЁРИБЕКОВ,**
**«Сирдарё» ИЭС ОАЖ қошидаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти етакчиси.**

◀ Давоми. Боши 1-бетда.

O`ZBEKISTON OVOZI
2014-yil, 9-yanvar.
Payshanba 4 (31.751)-son
www.uzbekistonovozi.uz



ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

*Қувонарлиси шуки, 2013 йилда белгиланган 236 та лойиҳанинг ҳаммаси амалга ошди...*

# Қашқадарёнинг саноат салоҳияти

**2 миллиард 98 миллион долларга тенг бўлган 555 лойиҳа амалга ошгач, 13 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилади**












Йўлнинг бир томони кенг майдон, охири кўринмайди, узоқдан ғалла майсалари кўзга ташланади. Дала йўлидан ўнгга қайриламиз. Ўзига хос лойиҳа билан қурилган иккита оқ иморатга кўзимиз тушади. Бинога кираверишда бизни Наби Ғиёсов кутиб олди. У паррандачилик илмини яхши эгаллаган, меъморчиликдан ҳам хабардор. 2009 йилда 2 минг бош товуқ келтирган эди. Ер майдони 22 гектарга етгач, 7 гектари боғ бўлди. Қорамол ҳам парвариш қилишаяпти. Бироқ асосий йўналиш — паррандачилик. Кредит эвазига аввал Германиядан, кейин Англияда тайёрланган ускуналарни харид қилиб, саноат паррандачилигини йўлга қўйишди. Ҳозир товуқнинг 74 минг бош сермаҳсул ва наслдор «Ломанн» ва «Хай-лайн» зотлари парвариш қилинмоқда. Жамоада 41 киши меҳнат билан банд.

— Президентимиз «ҳалол ишла, бойлик топ, мен қўллайман!», деб турганларида олға интилмасак, тараққиёт қаердан келади? — дейди у. — Биз йўқ жойдан мана шу биноларни қурдик. Давлатимиз ташаббуси билан Қашқадарё вилоятида саноатни янада юксалтириш Дастури ишлаб чиқилди. Унда бизнинг ҳам орзуимиз акс этган. Банкдан кредит олиб, 350 минг долларга қум-шағал цехи қурмоқчиман. Шундан 100 минг доллари ўзимизнинг сармоя. Насиб этса, 2014 йилнинг биринчи ярмида ниятимизга етамиз...

Президентимизнинг 2013 йил 2 августдаги «Қашқадарё вилоятининг 2013-2016 йилларда саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори вилоят саноатида янги даврни бошлаб берди. Бу ҳақда мамлакатимиз раҳбари халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида, жумладан, шундай деган эди: *«...саноат соҳасининг янги турларини ривожлантириш мақсадида келгуси тўрт йилда умумий қиймати — шунга эътибор беринг — 2 миллиард 98 миллион долларга тенг бўлган 555 та лойиҳани амалга ошириш, энг муҳими, 13 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш кўзда тутилаётганининг ўзи, ўйлайманки, бу ишларнинг кўлами ва миқёсидан яққол далолат беради».*

Дарҳақиқат, воҳа ўз тарихида ҳеч қачон бундай улкан бунёдкорликларни кўрмаган. Тўғри, мамлакатимизнинг барча минтақаларини ривожлантириш борасида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилмоқда. Аммо Қашқадарё саноатини ривожлантириш дастурининг қиёси йўқ. Бунинг сабаби бор, албатта. Чунки, бу воҳа катта ер ости ва ер усти бойликларига эга. Бугун унинг бағридан қазиб олинаётган нефть, газ мамлакат қудратига қудрат қўшмоқда.

Умрини кон қидиришга бахшида қилган, узоқ йиллар Қашқадарё геология экспедициясига раҳбар бўлган меҳнат фахрийси Баҳром Ражабов воҳа ҳудудида фойдали қазилмаларнинг катта захиралари борлиги ҳақида гапириб берган эди. Ҳозирда мутахассислар цемент, керамзит, гипс, калий тузи, ойна хомашёси, оҳак, мармар, кварц, марганец, фарфортошининг бой захираларини аниқлашган.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ҳудудларнинг ўзига хослиги-чи? Масалан, Китоб туманида цемент, лак-бўёқ, ўтга чидамли ғишт хомашёси, Яккабоғ туманида чинни ва шиша, Деҳқонободда деворбоп тош, қишлоқ хўжалигига ишлатса бўладиган глина бентонит, Ғузорда — керамзит, Қамашида қурилиш гипси, Нишонда қум-шағал хомашёси мавжуд.

Президентимиз вилоятда енгил саноатни ривожлантириш имкониятлари ҳақида шундай деган эди: *«Дастурда, жумладан, вилоятда енгил саноат корхоналарини ривожлантириш орқали экспортбоп замонавий тайёр газлама ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати 100 миллион доллардан иборат бўлган 82 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган. Бу эса 2016 йилга бориб, вилоятда етиштириладиган пахта толасини қайта ишлаш ҳажмини ҳозирги 6 фоиздан 35 фоизга етказиш ва энг муҳими, 4 мингга яқин иш ўрни яратиш имконини беради...»*

— Мамлакатимиз раҳбари жаҳоннинг тараққий этган давлатлари тажрибасидан унумли фойдаланиб, саноатда юксак тараққиётга эришиш йўлларини кўрсатиб бердилар, — дейди вилоят ҳокимининг иқтисодий-ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Ғайрат Жовлиев. — Масалан, Хитой 15 миллион тонна пахта етиштириб, тўлиқ қайта ишлар, бошқа давлатлардан ҳам пахта сотиб олар экан. Юртимизда, жумладан, вилоятимизда пахта, ғалла, пилла, узум, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирилмоқда, ишчи кучи етарли. Демак, уларни ишлаб, тайёр маҳсулот олиш, шу орқали даромадни ошириш ҳозир бизнинг бош вазифамиз бўлиб турибди. 2013 йилда пиллани қайта ишлайдиган Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси Қарши шаҳрида ишга туширилди. Бошқа режалар ҳам изчил амалга ошмоқда.

«Ўзбекенгилсаноат» компаниясининг вилоятдаги вакили Останақул Аллаёровнинг айтишича, Китобдаги ип-йигирув фабрикасини қайта тиклаш учун 100 та замонавий тикув машинаси келтирилди ва иш бошланиб кетди. Яна битта лойиҳа жорий йилда амалга ошади. Жами 4 миллион доллар сарфланиб, Германиянинг «Trustler» фирмасидан асбоб-ускуналар олиб келинади ва йилига 2700 тонна ип-калава ишлаб чиқаришга эришилиб, 300 янги иш ўрни яратилади. 2015 йилга бориб, яна 3,5 минг тонна калава ип тайёрлаш лойиҳаси амалга ошади.

Қарши, Муборак, Ғузор, Миришкор, Касби, Косон, Қамаши, Чироқчи туманларида ҳам пахта толасини қайта ишлайдиган йирик корхоналар ишга тушади. Ишлаётганларининг қуввати янада оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 августдаги йиғилиш баёнига кўра, Дастурга кирган лойиҳаларни ҳал қилиш йўллари батафсил шарҳлаб берилди. Масалан, «Қарши темир-бетон» корхонасини, Муборакдаги «Сечанкўл» участкаси биносини «Санам» ва «Садо» МЧЖ ҳамда «Китоб ип-йигирув» АЖнинг 25 фоиз давлат улушларини «Ўзбекенгилсаноат» ДАК устав фондига бериш ва бошқа масалаларни ҳал қилиш тартиби ишлаб чиқилди.

Дастурда озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашга катта эътибор қаратилган. Энг чекка ва чўл тумани — Нишонда «Ўзбекистон» фермер хўжалиги банкдан кредит олиб, помидор пастаси тайёрлайдиган ускуналарни ўрнатди. Сабзавот етиштиришга ҳам эътибор қаратаётган Қамаши туманидаги «Агровосток» ОҲЖ 2014 йилда 700 тонна помидор пастаси ишлаб чиқарадиган кичик корхонани ишга туширади. Иқлими қулай Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ туманида ўнлаб кичик корхоналар шарбат ва консерва ишлаб чиқариш учун шароит ва замонавий ускуналарга эга бўлмоқда. Ёки чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашни олайлик. Илгари Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида гўшт ва сутни қайта ишлайдиган 4 та корхона бор эди. Ҳозир биргина Шаҳрисабз туманида 30 дан ошиқ кичик корхона гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Уларнинг сафига янгилари қўшилди. Воҳада чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш ва қайта ишлашнинг



янги режалари оғишмай амалга оширилмоқда. Йилига 800 тонна гўштни қайта ишлайдиган корхонани Деҳқонобод туманида «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси барпо этаяпти. Муборак газни қайта ишлаш заводи Косон туманида 600 тонна сутдан кефир, пишлоқ ва бошқа маҳсулотлар оладиган корхонани жадал қурмоқда. 2014 йилда «Косон ёғ-экстракция» заводи сутни қайта ишлаш цехини модернизациялаш режасини тузган. Бу лойиҳага 300 минг доллар банк кредити ва 100 минг доллар ўз маблағлари йўналтирилади. Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси тизимида 179 та лойиҳа тузилган. Уларнинг аксарияти ҳозирданоқ самара бера бошлади.

Дастурга бағишланган ҳукумат йиғилишининг баённомасида «Яккабоғ консерва» МЧЖнинг 51 фоиз давлат улушини «Ўзвиносаноат холдинг» компанияси устав фондига бериш кўзда тутилган. Бунинг боиси бор, албатта. Узумчилик, хусусан, уни қайта ишлаш мақсадида 13 та лойиҳа ишлаб чиқилган. Шундан 5 таси «Шаҳрисабз вино-ароқ» ОАЖда жорий қилинади, ускуналар янгиланади, биргина узумни қайта ишлаш линиясини модернизация қилиш учун 1,2 миллион доллар сарфланади.

— Очиғини айтадиган бўлсак, — дейди ушбу корхона қишлоқ хўжалик бўлими бошлиғи Шукур Назаров. — Минтақада саноатбоп узумзорлардан яхши ҳосил олингани туфайли мана шу завод қурилган. Собиқ шўро давлатининг алкоголли ичимликка қарши кўр-кўрона кураши оқибатида саноатбоп узумзорларга қирон келтирган ўша пайтларда вилоят раҳбари бўлган Ислом Каримов 3 минг гектардан ошиқ токзорларни сақлаб қолган. Афсуски, кейинги йилларда саноатбоп узумзорлар камайиб кетди. Ҳозир Китоб туманида 1200 гектар саноатбоп узумзор, шундан 200 гектар «Саперави» нави сақланиб қолган. Шаҳрисабз туманида 1800 гектар ҳар хил узумзор, шундан 400 гектар саноатбоп. Яккабоғ туманида бу кўрсаткич 150 гектардан ошмайди.

Яна бир муҳим мисол. Собиқ «Китоб» боғдорчилик хўжалигидаги узумни қайта ишлаш корхонаси иш юритувчиси Абдужалол Авлоқуловнинг айтишича, дастурга кўра, шу корхонада 1,2 миллион долларлик модернизация амалга ошиши керак. Туманда биринчи лойиҳага кўра 500 гектар, иккинчи лойиҳага асосан 171 гектар боғ, учинчисига кўра 551 гектар саноатбоп узумзор барпо этилади. Туманда узумчиликни ривожлантириш бўйича марказ тузилади. Бундай узумзорлар Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманларида ҳам ташкил этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Дастурда ёқилғи-энергетика тизимидаги корхоналар қувватини оширишга ҳам катта эътибор қаратилган: «Шўртангазкимё» мажмуи 2016 йилда қўшимча 8 минг тонна суюлтирилган газ ола бошлайди. Худди шу корхона йилига 5 минг дона болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқарадиган кичик корхонага асос солади. «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси 2013 йилда 800 тонна гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасини якунига етказди. Ёки Шимолий Шўртан, Ғармистон, Қумчи, Шакарбулоқ конларида ўткинчи газларни қайта ишлаш ҳам истиқболли режа. Умуман, «Ўзбекнефтгаз» МХК тизимида 21 та истиқболли лойиҳа амалга ошиши кўзда тутилган.

«Ўзкимёсаноат» ДАК тизимидаги энг йирик қурилиш Деҳқонобод туманида олиб борилмоқда. Хитой ва Россия давлатидаги ҳамкорларимиз билан юртимиз қурувчилари калий ўғитлари заводи қурилишининг биринчи босқичини якунлашгач, йилига 200 минг тонна калийли ўғит ишлаб чиқарилаётган эди. Бунёдкорлик давом этди. Қурилишнинг иккинчи босқичи 2013 йилда асосан якунланди. Яна 400 минг тонна ўғит ишлаб чиқариш имкони яратилди. Янгидан 944 иш ўрни яратилди. Энди корхонада 2,5 минг киши меҳнат қилади. Бундан ташқари, туманда ўнлаб кичик саноат корхоналари қурилаяпти.

Вилоят кенгашининг сессиясида Юртбошимиз айрим туманларда саноат секин ривожланаётганига эътиборни қаратган эди. Дастурда барча ҳудудларни комплекс ривожлантириш, маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланиш режаси қамраб олинган. Ғишт, қум-шағал ишлаб чиқариш барча туманда эътиборга олинган. «Ўзқурилишматериаллари» компанияси тизимида 182 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиши мўлжалланган. Янги, йирик корхоналар туманлар иқтисодини кўтаришга хизмат қилади. Масалан, ривожланиши бир мунча секин бўлган Чироқчи туманида 2 минг тонна ип-калава ишлаб чиқарадиган корхона бунёд этилади. Нишон туманида 2014 йилда 5400 тонна сут, 100 тонна гўшт ишлаб чиқариш қувватига эга чорвачилик комплекси қуришни «Шўртангазкимё» мажмуи ўз зиммасига олган. Вилоятда энг кўп пахта етиштирадиган Касби туманида ип-калава, трикотаж мато, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган тўқимачилик комплекси вужудга келади. Косон туманида Муборак газни қайта ишлаш заводи ҳомийлигида 600 тонна сутни қайта ишлайдиган кичик корхона бунёд этилди. «Қамаши ип-йигирув» ОҲЖ қўшимча равишда яна 500 тонна калава ип чиқара бошлади. Қарши туманидаги Бешкент пахта тозалаш заводининг бўшаб қолган биносида 4 минг тонна калава ип тайёрлайдиган йирик корхона ҳаракати бошланган...

«Ўзбекчармпойабзал» уюшмаси вилоятга 9 та лойиҳани татбиқ этишни мўлжаллаган. Қарши шаҳри, Шаҳрисабз, Китоб туманларида чармга ишлов бериш, пойабзал ишлаб чиқариш режалари тузилиб, дастлабки ҳаракатлар бошланган. Биргина Яккабоғ туманидаги «Насаф Нур» ОҲЖ 500 минг жуфт катталар ва болалар оёқ кийимлари тайёрлаш ва жунга қайта ишлов бериш лойиҳаларига қўл урмоқда. Айтиш мумкинки, лойиҳаларда барча жиҳатлар назарда тутилган. Биринчидан, ўнлаб лойиҳалар учун миллий валютамизни конвертациялаш аниқ белгилаб берилган. Вазифалар ижроси учун тадбиркор, юридик шахс, йирик корхоналарнинг ўз маблағи ва банк кредитлари сарфланиши қатъий кўрсатилган. Битта мисол. Таллимаржон ГРЭСи бошлиғи Абдусалом Нормўминовнинг айтишича, қарийб 167 миллион доллар сарфланган биринчи лойиҳа амалга ошиб, нимстанция ёрдамчи иншоотлар бунёд этилган. Дастурнинг энг йирик лойиҳаси «Ўзбекэнерго» ДАК тизимида иссиқлик электр станциясига яна ҳар бирининг қуввати 450 МВт бўлган 2 та газ-буғ ускунасини ўрнатишдир. Бу лойиҳага 862 миллион долларга яқин маблағ ажратилган бўлиб, унинг салмоқли қисми хорижий сармоя ҳисобланади. 2016 йилда бу ускуналар ишга тушгач, электр энергия ҳосил қилиш 2 баравар ошади, 70 янги иш ўрни очилади.

— Биз турли кийимлар тикамиз, — дейди Қаршидаги «Санам» МЧЖ раиси, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби Мавлуда Йўлдошева. — Юртбошимиз 2014 йилнинг муҳим вазифаларини белгилар экан, соғлом бола — аввало, соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир, дедилар. Ҳақ гап. Мен ҳам аёлман, фарзандларимиз ҳеч нарсадан кам бўлмаслигини истайман. Биз Миллий банкдан 450 миллион сўм кредит олиб, ишлаб чиқаришни кенгайтирдик. Ҳозир корхонада 540 киши ишлаётган бўлса, асосий қисми аёллар, 70 фоизи эса касаначилик асосида меҳнат қилаётганлар ҳисобланади. Яна янги марралар сари интиламиз. Давлатимизнинг ғамхўрлиги туфайли вилоят саноати янада юксалар экан, минглаб оилаларга фаровонлик, қут-барака киришига ишонамиз.

Дарҳақиқат, банк ходимлари масалага масъулият билан ёндашмоқда. «Агробанк»нинг Яккабоғ, Шаҳрисабз, Китоб ва бошқа туманлардаги бўлимлари лойиҳаларни тўла молиялаштириб бўлди. Китоб туманида лак-бўёқ ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасининг биринчи навбати ишга тушди ва 50 киши ишли бўлди. Қаршидаги «Cotton road» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси Шаҳрисабз шаҳрида ўз фаолиятини бошлади. Хитой ва Германияда ишлаб чиқарилган 45 та тикув машинаси ўрнатиб берилди. Бу ерда ҳозир 20 хил трикотаж буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. «Кешёруғ макон» ОҲЖ «Ипотекабанк»дан олинган 25 миллион сўм маблағ эвазига чинни тайёрлашни кўпайтиради. Қувонарлиси шуки, 2013 йилда белгиланган 236 та лойиҳанинг ҳаммаси амалга ошди. Хулоса қилиб айтганда, булар катта ишларнинг бошланиши. Олдинда вилоятни янада катта ишлар, ривожланиш ва юксалишлар кутмоқда.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.**




## Гриппга қарши эмлаш



**оғриқсиз амалга оширилади**

Японијалик олимлар гриппга қарши эмлашнинг оғриқсиз усулини кашф қилдилар.

«Аргументы и факты» ҳафталиги хабар қилишича, олимлар ҳажми 1 сантиметрга тенг пластир яратдилар. Ушбу пластирда 250 та микро нина мавжуд бўлиб, унда вакцина жойлашган. Пластир керакли жойга ёпиштириб қўйилади. Шунда микро нинадаги вакцина аста қонга сўрилади.

Бу янгилик яқинда кўнгиллилар орасида синовдан ўтказилди. Натижа шу пайтгача амалда бўлган тажрибадан қолишмади.

## Ҳомилани видеотасвирга олиш



**унинг саломатлигига зарар етказади**

Буюк Британиялик олимлар ҳомиладор аёлларни огоҳликка чақирмоқдаки, ҳомилани она қорнидалик даврида видеотасвирга тушириш ёки кўп марталаб УЗИ текширувидан ўтказиш унинг соғлиғи учун зарарли экан. УЗИ текширувлари фақат шифокор тавсиясига кўра амалга оширилиши жоиз.

Рентгенологлар жамияти мутахассислари тасдиқлашмоқдаки, дейилади «Аргументы и факты» ҳафтаномасида чоп этилган ахборотда, ҳомилани она қорнида видеотасвирга олиш ҳомила саломатлигини текшириш тадқиқотлари учун асос бўлолмайди. Негаки, видеотасвир аниқ тасаввур бермайди. УЗИ текширувидан қайта ва қайта ўтказиш эса унинг саломатлиги учун зарарлидир.

## «Европа» фонтани



**200 километр юқорига отилмоқда**

«Хаббл» («Huble Space Telescope») космик телескопининг ультрабинафша спектрометри ёрдамида шу нарса аниқландики, Юпитер сайёрасининг «Европа» йўлдоши жанубий қутбида ўта қалин муз ёриғидан жуда катта куч билан сув фонтани буғ кўринишида юқорига отилмоқда. Бу ёриқ Юпитер босими таъсири остида вақти-вақти билан пайдо бўлиб туради. Фонтаннинг ғаройиб жиҳати шундаки, у 200 километр юқорига кўтарилмоқда.

Техасдаги Жануби-Ғарбий тадқиқот институти мутахассиси Лоренц Рот ва унинг ҳамкорлари ҳисоб-китобича сув буғининг вулқон сифатида отилиши натижасида бир сонияда 3 тонна сув юқорига чиқмоқда.

Бу «Европа»нинг қалин музликлари остида улкан океан борлигини тахмин қилиш имконини берди. Демак, унда қандайдир тирик организмлар бор бўлиши мумкинлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Пасадендаги Калифорния технология институти мутахассиси Майк Браун ҳамда «NASA» мутахассиси Кевин Хэнд Гавай оролидаги «Кек II» кучли телескопи ёрдамида кузатиб «Европа» суви шўр эканлигини аниқладилар. Чунки фонтан отилган ҳудуддаги муз устида тузлар борлиги кузатилган. Бу тузлар сульфат магний, хлорид натрий ва калий бирикмаларидан иборат.

Аризона университетининг Ой ва сайёралар лабораторияси илмий ходими Ричард Гринберг тадқиқотлари далолат беришича, дейилади «Мир новостей» ҳафтаномасида чоп этилган мақолада, «Европа» океани сувида худди Ер сайёраси океанларидаги сингари маълум миқдорда кислород бор. Бу эса унда органик ҳаёт мавжуд бўлиши мумкин, деган тахминни илгари суришга асос бўлади.

«Европа» ҳажми тахминан Ой ҳажмига деярли тенг. Фақат фарқи шундаки, «Европа»нинг барча ҳудуди жуда қалин муз билан қопланган. Океан чуқурлиги 160 километрга етиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда. «Европа» океани сувлари Ердаги океанлар сувларидан бир неча баравар кўп бўлиши ҳам мумкин.

**14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ**

*Ўтган йили Тошкент ҳарбий округида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оиласи учун кўплаб замонавий турар-жой биноси қуриб, фойдаланишга топширилди.*

# Ҳарбийларнинг чароғон ва файзли уйлари



**Мустақиллик йилларида Қуролли Кучларимиз тизимида ҳам кенг кўламли изчил ислоҳотлар олиб борилди. Ҳарбий хизматчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шу боис бугунги кунга келиб, ёшларимиз орасида ҳарбий касбни эгаллаётганлар, Ватан ҳимоячиси бўлишга интилаётганлар тобора кўпайиб бормоқда.**

Айниқса, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, замонавий ҳарбий шаҳарчалар қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари эҳтиёжларига жавоб берадиган барча қулайликларни яратишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Ўтган йил Тошкент ҳарбий округида хизмат қилаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оиласи учун 50 хонадондан иборат замонавий турар-жой биноси қуриб битказилгани фикримиз далилидир.

Ҳарбий шаҳарча ҳар қачонгидан гавжум. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, фарзандларининг қувончига шерик бўлиш учун отахону онахонлар, ёру биродарлар ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари бу ерга ташриф буюришган. Барчанинг юзида табассум, хурсандчилик.

Амир Темур номли маҳаллада истиқомат қилаётган Абдураззоқ Маҳмудов янги уй эгаларини қутлаб, шундай деди.

— Болалигим шу ерларда ўтган. Маҳалламиз кўркига кўрк қўшиб турган бу янги уй ўрни яқин йилларгача ташландиқ, кўримсиз жой эди. Қаранг, қисқа муддат ичида шундай гўзал, ҳашаматли, замонавий турар-жой биноси қуриб битказилди. Тилагим — юрт тинчлиги йўлида туну кун хизмат қилаётган ҳарбийларимиз соғ бўлсин.

— Бизга уч хонали уйнинг калити тантанали равишда топширилди, — дейди майор Бахтиёр Ибрагимов. — Айниқса, бундан турмуш ўртоғимнинг қувончи чексиз. Негаки, ошхонамиз кенг ва замонавий жиҳозланган. Барча шароитлар муҳайё.

Майор Равшан Якубовнинг рафиқаси Зубайда Аширбекова ҳам ҳарбий хизматчи.

— Ҳукуматимиз томонидан ҳарбий хизматчиларга қаратилаётган эътибордан беҳад миннатдормиз, — дейди кичик сержант Зубайда Аширбекова. — Чунки ҳарбийнинг оиласи, хонадони тинч бўлса, унинг хизматида унум бўлади, эл-юрт осойишталиги йўлида фидокорона хизмат қилади. Биз, уй соҳибаларининг асосий вазифаларимиздан бири бу — ширин таомлар пиширишдир. Янги уйимизнинг ошхонаси кенглиги ва замонавий жиҳозланганi менга жуда маъқул бўлди. Бундай эътибор ва ғамхўрлик учун Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонига миннатдорлик билдирамиз.

Янги хонадонларга кўчиб ўтганлар янги йилни янги уйда кутиб олди. Бу файзли, чароғон хонадонларда хурсандчилик, шодлик, байрам бир-бирига уланди. Буларнинг барчаси давлатимиз томонидан юрт посбонлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган амалий ишларнинг ёрқин намоёнидир.

**Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

**СПОРТ**

**Яна бир неча кундан сўнг Уммонда футбол бўйича ёшлар ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати финал босқичи учрашувлари бошланади. Унда қитъамизнинг энг сара ўн олти терма жамоаси ғолиблик учун майдонга тушади.**

## ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА

### *ҳозирлик кўрилмоқда*

Мусобақада Шуҳрат Мақсудов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Қуръага кўра, ҳамюртларимиз «Д» гуруҳидан жой олган. Мазкур квартетда вакилларимиз кейинги босқичга чиқиш учун Хитой, Ироқ ва Саудия Арабистони футболчилари билан баҳс юритади.

Тақвимга мувофиқ, ёшларимиз гуруҳдаги дастлабки учрашувни 12 январь куни хитойлик тенгқурларига қарши ўтказади. Иккинчи тур ўйини 14 январга белгиланган. Шу куни Шуҳрат Мақсудов шогирдлари ироқликлар билан куч синашади. Гуруҳдаги охирги ўйин эса 16 январда Саудия Арабистони вакилларига қарши бўлади.

22 ёшгача футболчилардан иборат мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси мазкур нуфузли мусобақага Бирлашган Араб Амирликларида ташкил этилаётган ўқув-машғулот йиғини орқали ҳозирлик кўрмоқда. Куни кеча Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Дубайда маҳаллий «Ҳатта» футболчилари билан ўртоқлик учрашуви ўтказди. Унда ёшларимиз 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Ягона гол Дилшод Жўраев ҳисобига ёзилди.

Эслатиб ўтамиз, Осиё чемпионати 11 — 26 январь кунлари бўлиб ўтади.

**Эркин ХОЛБОБО**

---

**МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА**

*68 миллиард сўмлик истеъмол кредитлари ажратилди.*

# Банк кредитлари

## *янги иш ўринлари яратилишига ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясига хизмат қилмоқда*

**Республика Марказий банки томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда банк тизимининг иштироки» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.**

— Президентимиз томонидан 2013 йилнинг «Обод турмуш йили», деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурига мувофиқ аҳоли бандлиги ва реал даромадларининг изчил ўсишини таъминлаш, уй-жойлар ва ижтимоий-маиший шароитлар яратишда тижорат банклари ҳам муносиб иштирок этиб келмоқда, — дейди **Марказий банкнинг Тижорат банклари инвестиция портфелини мониторинг қилиш департаменти директори Азамат Қосимов.** — Хусусан, «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида тижорат банклари томонидан 2013 йил давомида белгиланган прогноз кўрсаткичдан 15 фоиздан кўп, яъни 1,5 триллион сўмдан зиёд кредитлар ажратилди ва дастурда белгиланган барча кўрсаткичларнинг тўлиқ бажарилишига эришилди.

Маълумотларга кўра, ажратилган кредитларнинг қарийб 1,3 триллион сўмини микрокредитлар ташкил этиб, бунда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг салкам 125 миллиард сўмга тенг бизнес режалари имтиёзли шартлар асосида молиялаштирилди. Оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга йўналтирилган микромолиявий хизматлар миқдори қарийб 130 миллиард сўмни ташкил этди. 2013 йилда банклар томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун 651 миллиард сўм ажратилди. Шундан 117 миллиард сўми ўз бизнесини бошлаётган, айниқса, коллежларни битирган қизларнинг ишбилармонлик фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ лойиҳаларга йўналтирилди.

Маълумки, мамлакатимизда аграр соҳа салоҳиятини ошириш борасида ҳам изчил чоралар кўриб борилмоқда. Тижорат банкларининг кредит сиёсатида бу алоҳида эътиборга олинди. Бинобарин, банкларнинг кредитлари ёрдамида минглаб гектар майдонлардаги боғ ва токзорлар қайта тикланди, янгилари барпо этилди. Бундан ташқари, тижорат банкларининг кредитлари ҳисобига ҳар бир қишлоқ туманида паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик хўжаликлари ташкил этилди. Натижада ўн минглаб қишлоқ аҳолиси доимий иш билан таъминланди.

«Ёш оилаларга — уй-жойлар» дастури ўтган йил ҳам давом эттирилди. Ёшларнинг уй-жой қуришга бўлган интилишларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 346 миллиард сўмдан ортиқ, яъни 2012 йилга нисбатан 10 фоиз кўп ипотека кредитлари ажратилди. Шунингдек, «Қишлоқ қурилиш банк», Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ипотекабанк» кредитлари эвазига республикамизнинг 147 та туманида намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта якка тартибдаги уй-жой барпо этилди.

Тижорат банклари жойларда бозор инфраструктурасини ўзгартириш жараёнларида ҳам фаол иштирок этмоқда. Ўтган йил замонавий савдо-маиший ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш объектларини яратиш ва кенгайтириш учун қарийб 900 миллиард сўм кредит ажратилди. Банкларнинг 68 миллиард сўмлик истеъмол кредитлари қишлоқ аҳолиси учун узоқ муддат фойдаланиладиган маҳаллий уй-рўзғор буюмларини сотиб олишига шароит яратди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси ва амалдаги бир қатор қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти, яратилган имтиёзлар, соҳа субъектлари учун кредитлар ажратиш шарт-шароитларини тарғиб қилиш мақсадида жойларда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалий учрашув ва семинарлар, бизнес-форумлар ўтказилди.

Тадбир сўнгида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

**РЕКЛАМА ЎРНИДА**

*Хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича 15 нафар киши иш билан таъминланди.*

# Эл олқишига сазовор

**Узоғимизни яқин қиладиган автомобилларсиз ҳаётимизни тасаввур қилиш қийин. Болалигимдан ана шу «темир» дастёрга меҳр қўйганман. Турли русумдаги автомобилларга хизмат кўрсатадиган устахона очиш ҳақида кўп режа тузганман.**

Орзуимни амалга ошириш учун бу соҳани пухта ўргандим. Сўнг Чироқчи тумани, Кишмиштепа кўчасида жойлашган автомобилларни таъмирлаш устахонасини сотиб олиб, 2011 йил «Эл олқиши» масъулияти чекланган жамиятини оила-аъзоларим кўмагида ташкил қилдим. Бироқ шиддат билан ривожланаётган бозор иқтисодиёти шароити яхши ғояни амалга ошириш учун бизнес-режа ва молиявий ҳамкор керак эканлигини кўрсатди.

Мақсадимга эришиш учун менга ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Кўкдала филиали яқиндан ёрдам берди. Банк томонидан устахонамиз фаолиятини ривожлантириш учун 100 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Ушбу маблағ режаларимни тўлиқ амалга оширишда қўл келди.




Бугунги кунда устахонам аҳоли ва ташкилотларга хизмат кўрсатишни икки баробарга оширди. Ҳозирда жамиятда хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича 15 нафар киши иш билан таъминланган. Улар сафи жорий йилда яна кенгаяди. «Қишлоқ қурилиш банк»нинг молиявий кўмаги қишлоғимиздаги кўплаб ёшларнинг доимий иш ўрнини эгаллаши ва даромад қилишига имконият ятратди. Менинг орзуларим молиявий муассаса ёрдамида рўёбга чиқди ва эл олқишига сазовор бўлдим.

**Ботир ИСМАТОВ, «Эл олқиши» МЧЖ раҳбари, Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани.**

---

**ЭЪЛОН**

*Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

# «МАРОҚАНД НЕФТЬ БАЗАСИ» УНИТАР КОРХОНАСИ

*2014 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб, фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича*

**ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| Т/р | Объект номи ва манзили | Буюртмачи бошланғич нархи (сўм) | | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| | | ҚҚСсиз | ҚҚС билан | |
| 1. | «Мароқанд нефть базаси» УКнинг Жомбой филиали электр таъминотини яхшилаш учун ТП-9441 ним станциясини «Қоракент» фидеридан «58-фидери»га улаш | 402 745 000 | 483 294 000 | 5 ой |

**Қурилиш ишлари «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

*Буюртмачи:* «Мароқанд нефть базаси» унитар корхонаси.

*Манзили:* Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, *телефон:* (99836) 475-27-87.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан пудрат ташкилотини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

***Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:*** танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус-2Д, 403-хона.**

**Телефон: 231-13-51, факс. 233-32-00.**

*Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.*

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10-00да** ўтказилади.

---

**ОБ-ҲАВО** *09-10 — 01. 2014*

*Юртимиз бўйлаб (°C)*

| Ҳудуд | Кечаси | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | -8 / -13 | -2 / +3 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | -3 / -8 | -5 / -10 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | -3 / -8 | -1 / +4 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | -2 / -7 | +2 / +7 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | -3 / -8 | -1 / +4 |
| Тошкент шаҳри | -4 / -6 | 0 / +2 |

*Дунё бўйлаб (°C)*

| Шаҳар | Ҳарорат |
|---|---|
| Лондон | +11 / +11 |
| Париж | +13 / +11 |
| Москва | +5 / +5 |
| Мадрид | +13 / +15 |
| Пекин | +1 / +5 |
| Канберра | +31 / +31 |
| Рим | +14 / +14 |
| Афина | +14 / +15 |

Тошкент шаҳар Яккасарой туманида жойлашган «WHITE GOOSE» масъулияти чекланган жамияти (ОКОНХ 61110, ИНН 301214095)

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади.

Телефонлар: (+99890) 926-89-64, (+99898) 363-89-64.

Шимолий-Ғарбий халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси жамоаси корхона бош мутахассиси **Отаназар СОБИРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

**MUASSIS:**
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY’ATI:**
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug‘bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug‘bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o‘rinbosari), Tat’yana KISTANOVA (Bosh muharrir o‘rinbosari)

BO‘LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma’naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ‘ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e’lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 160
21183 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 20.30
Topshirilgan vaqti — 23.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Abdusalim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG‘ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5